

ZOOVETERINARIYA

Ilmiy-omtabor  jurnal

2015
2
февраль
ISSN 2091-554-3

Хукуматимизнинг бевосита раҳбарлигида фидойи кишилару чорвадорларнинг ғайрати, шижоати билан ўтган ёз қишлоғга жиддий тайёрганлик кўрилгани бугун йирик чорвачилик фермаларидан тортиб олис-олисларда жойлашган қоракўлчилик хўжаликларига қадар, барча жойда қишлоғни беталофат ўтказишга имкон бермоқда. Наслчилик ишларидаги ютуқлар, озиқа таъминоти ҳамда ветеринария соҳаси мутасаддиларининг ташаббускорлиги ҳам қишлоқ аҳлини қувонтирмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари раҳбарларининг чорва қатори, паррандаю асаларичилик, балиқчиликка қўл ураётганини айтмайсиз. Демак, келгусида нашримиз муштарийлари янада кўпаяди. Чунки биз худди шу тармоқлар истиқболини кўзлаб залворли мақолалар, илмий тавсияларни мунтазам чоп этаяпмиз...

Шу муаззам, ёруғ кунларда юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашидан руҳланиб, катта ишларга қўл ураётган барча ташаббускор кишиларга омадлар тилаймиз. Ғайратингиз жўшаверсин, азиз дўстлар.

3-бет

Давоматнинг
давosi борми?

5-бет

Тўл мавсумига
тайёرمىсиз?

15-бет

Кетонурия

24-бет

Стронгилятоз
нима?

27-бет

Сил – хавфли
касаллик

30-бет


Қишлоғда
бузоқларга
сут беринг

38-бет

Парранда
семирсин
десангиз

40-бет

Пилла –
кони фойда



КЕТОНУРИЯ - СОВЛИҚЛАРНИНГ ЭНГ АСОСИЙ МЕТАБОЛИЗМ КАСАЛЛИГИ

Аннотация

В статье даются определение, распространение, этиология, течение, симптомы, диагноз, лечение и профилактика кетонурии как основного заболевания в метаболизме у овцематок.

Ключевые слова. Овцематки. Обмен веществ. Алиментарная дистрофия. Кетонурия. Гепатодистрофия. Ультракетост. Фехоселен

Summary

The article definition, distribution, aetiology, course, symptoms, diagnosis, treatment ketonuria as a major disease in primary metabolism in ewes.

Key words. The pregnant sheep. Metabolism. Alimentary dystrophia. Ketonuria. Dystrophia of liver. Ultraketost. Fekhselen.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз аҳолисининг арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшироқ қондиришга қаратилган аграр ислохотларнинг амалга оширилишида чорва молларининг қатор касалликлари, шу жумладан, совлиқлар орасида учрайдиган модда алмашинув касалликлари энг асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Чунки бундай касалликлар, айниқса бўғоз ҳамда бола эмизадиган совлиқлар орасида йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, моддалар алмашинуви (метаболизм) - ҳаётини зарур моддаларнинг организмга тушиши, парчаланиши, қайта синтезланиши, ўзлаштирилиши (энергетик ёки пластик заруратлар учун ишлатилиши) ва ҳосил бўлган сўнгги маҳсулотлар (метаболитлар) нинг ташқи муҳитга чиқарилишини таъминловчи мураккаб физиологик жараён бўлиб, мазкур жараён ҳайвон организмда оксиллар алмашинуви, углеводлар алмашинуви, липидлар алмашинуви, минерал моддалар алмашинуви ва витаминлар алмашинуви шаклларида намоён бўлади. Ушбу жараёнларнинг бузилиши қатор метаболизм касалликларига сабаб бўлади (Б.Бакиров, 2015).

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, бугунги кунда, модда алмашинуви касалликлари четдан олиб келиниб, республикамизнинг турли геоэкологик ва озиқлантириш шароитларида парваришланаётган зотли сигирлар ва турли зотларга мансуб бўғоз ҳамда кўзи эмизадиган совлиқларнинг 50 – 70 фоизгачасини ҳар хил шаклларда қамраб олган бўлиб, уларнинг ўзига хос энг асосий хусусиятларидан бири ферма (сурув) даги аксарият ҳайвонларнинг қамраб олинishi ва патологиянинг узок муддатлар давомида (ойлаб ва йиллаб) яширин тарзда кечиши ҳисобланади. Бундай яширин метаболизм патологияси пайтида, ҳайвонда сурункали ориқлаш, сут ва жун маҳсулдорликларининг пасайиб кетиши, пуштдорликнинг ёмонлашиши, фермада алиментар дистрофия, йўлдош тутилиши ва туғруқ ярим фалажи каби касалликларнинг тез-тез учраб туриши, паст ҳаётчанликдаги, айрим ҳолларда эса туғруқ аномалияларига берилувчан боланинг туғилиши ёки туғилган боланинг диспелсия, бронхопневмония ва рахит каби қатор касалликлар билан касалланишининг тезлашишлари кузатилади.

Ўз вақтида эрта қўйилган ташхис, самарали даволаш ҳамда касалликнинг олдини олиш тадбирлари ўтказилмайдиган хўжаликларда яширин патология кўринишида кечаётганган модда алмашинуви бузилишлари, айниқса, киш мавсумининг сўнгги ойларида, ўзининг навбатдаги босқичи, яъни, жигар бузилишлари босқичига ўтади. Бу босқичда юқорида таъкидлаб ўтилган “яширин” белгиларнинг янада жадаллашиши билан биргаликда лизуха, ошқозон олди бўлимлари гипо ва атонияси, пульс ва нафаснинг тезлашиши, шиллик пардаларнинг турли даражада сарғайишлари, жигар чегарасининг катталаниши ва унинг оғрик сезиши белгилари пайдо бўлади.

Жараённинг давом этиши патологиянинг учинчи, яъни унинг клиник босқичининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу босқичда модда алмашинувининг у ёки бу турининг бузилишидан келиб чиқадиган аниқ клиник белгилари метаболизм касалликлари, хусусан, оксиллар, углеводлар ва ёғлар алмашинуви бузилишларининг устунлиги билан кечадиган алиментар дистрофия, кетонурия, гепатодистрофия, минерал моддалар алмашинувининг бузилиши оқибатида пайдо бўладиган алиментар, энзоотик ва иккиламчи остео-дистрофия, гипомагнемия, плунингдек, қатор гипомикроэлементозлар ва гиповитаминозлар пайдо бўлади. Бундай касалликлар республикамиз учун асосий қўй зоти ҳисобланган қорақўл совлиқлар билан бир қаторда ноёб ва кам сонли бўлсада, юқори гўшт бериш имкониятларига эга бўлган ҳисори қўйларни ривожлантиришга ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади ва пировард натижада қўйчилик хўжалиқларининг катта иқтисодий зарар кўришига сабаб бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистоннинг турли геоэкологик ҳудудлари шароитидаги совлиқларда оксиллар ва углеводлар алмашинуви касалликларининг эртани ташхис, этиопатогенетик даволаш ҳамда гурухли олдини олиш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари. 1. Ўзбекистон республикасининг турли геоэкологик ҳудудлари шароитидаги қорақўл ва ҳисори совлиқларда модда алмашинуви касалликларининг тарқалиши ва асосий сабабларини аниқлаш;

2. Совликларда оксиллар ва углеводларнинг бузилишидан келиб чиқадиган касалликларнинг эрта ташхис усулини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш;

3. Совликларда оксиллар ва углеводлар алмашиувининг бузилишидан келиб чиқадиган касалликларнинг гурухли олдини олиш усулини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш;

4. Совликларда оксиллар ва углеводлар алмашиувининг бузилиши негизда пайдо бўладиган касалликларнинг этиопатогенетик даволаш усулини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш.

Тадқиқотнинг объекти ва услублари. Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани кўйчилик хўжаликлари ва Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг ўқув-тажриба хўжалиги шароитида парваришланаётган қорақўли ва хисори совликларда модда алмашиувини касалликларининг тарқалиши, иктисодий зарари ва асосий сабабларини аниқлаш, аниқланган метаболизм касалликларига қарши гурухли профилактик даволаш ўтказиш ҳамда кузатиш аниқ белгилари метаболизм касалликлари билан касалланган совликларни яқка тартибда даволаб бориш орқали самарали ва муқобил этиопатогенетик даволаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар давом этмоқда.

Тадқиқот натижалари. Олиб борилган дастлабки тадқиқотларнинг кўрсатишича, Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани кўйчилик хўжаликлари ва Самарқанд кишлоқ-хўжалик институти ўқув-тажриба хўжалигида парваришланаётган хисори ҳамда қорақўли совликларда метаболизм бузилишлари кенг тарқалган бўлиб, улар асосан, кетонурия, алиментар дистрофия ва гепатодистрофия касалликлари кўринишида намоён бўлади ва хўжаликларга катта иктисодий зарар кўрсатиб келмоқда. Қўйда ушбу гурух касалликларининг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланган бўғоз совликлар кетонурияси касаллигига умумий тавсиф беришни, кейинги сонларда эса навбатдаги касалликлар ҳамда олиб борилган тадқиқот натижаларини баён қилиб боришни лозим топдик.

Бўғоз совликлар кетонурияси (Ketonuria) – эндоген ёғ, оксил ва углеводларнинг кучли парчаланиши оқибатида организмда кетон таначалари ҳосил бўлишининг кучайиши, токсемия, жигар ва бошқа аъзоларнинг дистрофик ўзгаришларга учраши оқибатида пайдо бўладиган касаллик.

Касаллик бўғоз совликлар токсемияси, алиментар кетонурия, очлик кетози, Марказий Осиё давлатларида эса босқоқ номлари билан аталади.

Сабаблари. Асосан бўғоз совликлар ва эчкилар бўғозлигининг охириги ойларида касалланади. Яйлов ҳосилдорлигининг паст бўлиши ва рационда углеводли ҳамда оксилли озиқаларнинг етишмаслиги туфайли вужудга келувчи озиклантириш даражасининг пастлиги, шунингдек, бўғоз совликларни фаол яйратишнинг етишмаслиги касалликнинг асосий сабаблари ҳисобланади.

Ривожланиши. Углеводлар, оксиллар ва ёғларнинг организмга кам миқдорларда тушиши оқибатида бу моддаларнинг организмдаги захираларининг мажбуран парчаланиши йўли билан ишлатилиши амалга ошди. Хусусан, ёғларнинг мажбуран парчаланишидан оралик модда сифатида ҳосил бўладиган УЁК-лар глюкозанинг танқислиги ва уч карбонли кислоталар занжиридаги реакцияларнинг тўхташи оқибатида кетон таначаларига айланади.

Эндоген оксиллар парчаланиши кучайганда кетоген аминокислоталар (лецитин, изолейцин, фенилаланин, тирозин) ҳосил бўлиши кучаяди ва улар ўз навбатида, кетон таначаларига айланади.

Захира углеводларнинг кислородсиз шароитдаги парчаланиши оқибатида пироузум кислотаси билан бир қаторда кўп миқдорда сут кислотаси ҳосил бўлади ва бу кислотанинг ортикча миқдорлари ҳам сирка кислотаси орқали кетон таначаларига айланади.

Соғлом совликлар қонида кетон таначаларининг умумий миқдори 0,001-0,003 г/л (1 - 3 мг%) га тенг бўлади. Кетонурия пайтида ушбу кўрсаткичнинг 0,1 г/л (100 мг%) гача (гиперкетонемия), унинг сутдаги миқдорининг 0,2 г/л (200 мг%) гача (гиперкетонолактиния), сийдикдаги миқдорининг 1,0 г/л (1000 мг%) гача (гиперкетонурия) кўтарилиши кузатилади.

Организмда кўп миқдорларда тўпланган кетон таначалари жигар, бош миёна, буйрак, юрак ва эндокрин тизим аъзоларида дистрофик жараёнларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Касал совликларда сирка кислотаси қараганда асосан жигар бузилишлари устуңлик қилади ва шунинг учун ҳам касаллик нисбатан оғир ўтади, аксарият ҳайвонларда ўлим билан якунланади.

Белгилари. Касаллик уч босқичда, яъни яширин (*лизуха*), кетонурия ва босқоқ босқичларида намоён бўлади. Касалликнинг биринчи, яъни яширин босқичида касал совликларда дастлаб *лизуха* белгилари намоён бўлади ва бунда ҳайвон ноозикавий жисмларни истеъмол қилишни ҳуш кўради. Бундан ташқари уларда ошқозон олди бўлимлари гипо ва атонияси, пульс ва нафаснинг тезлашиши, сезиларли даражада ориқлаш, алопеция ва ҳолсизланиш белгилари кузатилади. Патологик жараённинг жигарга ўтиши (кетонурия босқичи) билан эса, булардан ташқари, шиллик пардаларнинг турли даражада сарғайишлари, жигар чегарасининг катталашishi ва унинг оғрик сезиши ҳамда мускул каттироқлари белгилари пайдо бўлади.

Касалликнинг учинчи, яъни босқоқ босқичида жигар бузилишларининг янада чуқурлашиши ва марказий асаб тизимидаги чуқур ўзгаришлар туфайли касал совлик бошини охурга тираган ҳолда тишларини гижирлатиб туради ёки бутунлай ётиб қолади. Бу даврда қондаги кетон таначалари миқдорининг меъёридаги 0,001-0,003 ўрнига 0,1 г/л (100 мг%), сутдаги миқдорининг меъёридаги 0,005-0,008 ўрнига 0,2 г/л (200 мг%), сийдикдаги миқдорининг эса меъёридаги 0,009-0,01 ўрнига 1,0 г/л (1000 мг%) гача кўтарилиши

(гиперкетонемия, гиперкетонолактация, гиперкетонурия), қондаги глюкоза микдорининг меъёридаги 2,22-3,33 ммоль/л ўрнига 1,50-2,0 ммоль/л гача пасайиши (кучли гипогликемия) кузатилади.

Ўлимга 2-4 кун қолганда сопороз ҳолат қоматоз ҳолат билан алмашинади. Бу вақтда иштаханинг бутунлай йўқолиши, тезаклашнинг қамайиши ва тана ҳароратининг 36 °С гача пасайиши кузатилади.

Касал совлиқлардан нисбатан юқори тирик вазндаги ўлик ёки паст ҳаётчанликдаги кўзилар туғилади.

Патологоанатомик ўзгаришлари. Мускул ва ёғ тўқималари атрофияси, шиллик пардаларнинг оқариши ва сарғайиши, қорин бўшлиғи ва юрак кўйлақчасида суюқлик тўпланиши, жигарнинг қатталашини, унинг четларининг ўтмаслашгани, тупрок ёки тўқ жигар рангга кириб, консистенциясининг бўшаган бўлиши, донатор ва ёғли дистрофия ривожланиши, ундаги гликоген микдорининг қамайиши, ўт халтасининг ўт суюқлиги билан тўлганлиги қайд этилади.

Ташҳиси. Анамнез маълумотлари, клиник белгилари ва сийдикдаги кетон таначалари микдори (Лестраде реактиви ёрдамидаги тезкор ташҳис усули бўйича) ва патологоанатомик текшириш натижалари эътиборга олинади.

Кечishi. Касаллик ўткир, ярим ўткир ва сурункали шаклларда кечеди.

Прогнози. Ўткир ва оғир кечган пайтларда касаллик ёмон оқибат билан тугайди. Ярим ўткир ва сурункали тарзда кечган пайтларда касаллик сабабларини бартараф этиш ва самарали даволаш яхши натижа бериши мумкин.

Даволаши. Касал совлиқларда лизухани бартараф этиш ҳамда иштахани мўътадиллаштириш чоралари кўрилади. Рацион арпа, қайнатилган буғдой, сули ёрмаси, омикта ем ва сифатли гул беда пичани билан бойитилади. Сигир сути (бир бош совлиққа бир суткада ўртача 0,5 - 1 л микдориди) ичирилади.

Вена қон томири орқали 10-20% ли глюкоза эритмаси (200-600 мл микдорда қунига икки мартадан, 4-6 кун давомида) нинг аскорбин кислотаси (5 фоизли эритма ҳолида 5-10 мл) ва 20 фоизли кофеин эритмаси (0,5-1,0 мл) билан аралашмаси юборилади.

Гликоген хусусиятли моддалардан 10-20 кун давомида қунига бир мартадан оғиз орқали глисерин (50-60 г), натрий пропионат (20-50 г), пропиленгликол (50 мл) ва метионин (1-2 г) тавсия этилади. Ишқорловчи восита сифатида қунига 10-20 г микдорда натрий гидрокарбонат берилади.

Қунига 1-2 мартадан вена қон томири орқали гипосульфат натрий ва глюкоза аралашмаси (2 г – натрий гипосульфат, 20-40 г глюкоза, 100 мл дистилланган сув) юбориб турилади.

Рационга витаминли қўшимчалар (10-20 минг ХВ - А витамини, 1-2 минг ХВ - Д ва 20-30 мг Е витамини ҳисобида) киририлади.

Гидропон буғдой майсасини бериш ёки унинг 10 фоизли экстракти (Фехоселен) дан 100 мл микдориди

қунига икки мартадан 5-10 кун давомида ичириш даволаш самарадорлигини оширади.

Олдини олиши. Бўғоз совлиқларни мунтазам равишда фаол яйратиш (қунига қамда 10-12 км масофага) ва тўйимли озиклантириш йўлга қўйилади.

Рационда протеин (1 о.б. ҳисобига ўртача 90-120 г) ва углеводлар (1 о.б. ҳисобига ўртача 60-80 г) меъёрини таъминлаш ҳамда қанд - протеин нисбатининг 0,6 - 0,8 бўлишига эришиш, совлиқлар ориқлай бошлаши билан уларнинг озиклантириш меъёрини 15-20% га ошириш, хусусан, буғозликнинг охирига ойга келиб совлиқларга бериладиган қуник арпа микдорини 1,0-1,5 кг гача етказиш чоралари кўрилади.

Туғишига 30 кун қолган пайтдан бошлаб совлиқларга таркибиди 12 г диаммоний сульфат, 10 г натрий гидрокарбонат, 2-8 г метионин ва 3 г тозаланган олтингурт сакловчи махсус аралашмани омикта емга аралаштирилган ҳолда бериш ва уни совлиқлар тукқандан кейин ҳам 30 кун давом эттириш босқоқнинг олдини олишда яхши самара беради.

Ўзбекистон шароитидаги қоракўл совлиқларда босқоқнинг олдини олиш учун рационни тўйимли, витаминли ҳамда минерал моддаларга нисбатан мўътадиллаштириш негизиди 30 кун давомида емга аралаштирилган ҳолда қунига 0,5 г/кг микдориди Ультракоток оксидли-витаминли-минералли аралашмасини бериш тавсия этилади (Б. Бакиров, Н.Б. Рўзиқулов, А.С. Бердиёров, 2006).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бакиров Б. Хайвонларнинг ички юкумсиз касалликлари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. 2015. 412 б.
2. Бакиров Б., Норбоев Қ.Н., Бердияров А.С., Рўзиқулов Н.Б. Бўғоз совлиқларда оксил-углевод алмашинуви бузилишларини аниқлаш, даволаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар. ЎзР Давлат Ветеринария Бош бошқармаси. Тошкент. 2010. 16 б.
3. Бакиров Б., Сафаров М.Б., Рўзиқулов Н.Б. Фермер хўжалиқларида махсулдор қорамолларни уйғун диспансерлаш бўйича услубий қўлланма. Самарқанд. 2012. Н.Доба ХТ матбаа бўлими. 97 б.
4. Бакиров Б., Бердияров А.С., Рўзиқулов Н.Б., Музрובהва Х. Бўғоз совлиқларда оксил-углевод алмашинуви бузилишлари гуруҳли профилактикасининг клиник кўрсаткичларга таъсири. Зооветеринария илмий-оммабоп журнали. 2013. 6-сон. 10-11-бетлар.
5. Бакиров Б. Метод получения и применения белково-витаминно-минеральной добавки Ультракоток. Свидетельство (Автор.свид.) о депонировании объектов интеллектуальной собственности. Регистрационный № 2176.
6. Бакиров Б. Метод получения и применения зачаточного экстракта Фехоселен. Свидетельство (Автор.свид.) о депонировании объектов интеллектуальной собственности. Регистрационный № 2199.